

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
YER RESURSLARI, GEODEZIA,  
KARTOGRAFIYA VA DAVLAT  
KADASTRI  
DAVLAT QO'MITASI



ГОСУДАРСТВЕННЫЙ КОМИТЕТ  
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН ПО  
ЗЕМЕЛЬНЫМ РЕСУРСАМ, ГЕОДЕЗИИ,  
КАРТОГРАФИИ И  
ГОСУДАРСТВЕННОМУ КАДАСТРУ

100097, Toshkent sh., Cho'ponota ko'chasi, "S" mavzesi  
Tel.: (371) 277 76 14 Faks: 277 86 61

100097, г.Ташкент, ул.Чопонота, Квартал "Ц"  
Тел.: (371) 277 76 14 Факс: 277 86 61

<http://www.ygk.uz>

№  
На № 04.03.14 от 02-03-638

**Худудий “Ермулккадастр”  
давлат корхоналари  
раҳбарларига**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1 сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви соҳасида ҳамкорлик тўғрисида келишув ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Ушбу Келишувга асосан давлат нотариал идоралари ҳамда Суд департаменти органлари билан ҳамкорликда ахборот алмашинувини йўлга қўйиш белгиланди.

Мазкур Келишувга қатъий риоя қилган ҳолда жойларда ишларни амалга оширишни таъминлашингиз талаб этилади.

*Илова олти вароқда*

**Раиснинг  
биринчи ўринбосари**

**Т.М.Абдуллаев**

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Ергеодезкадастр”  
давлат кўмитаси ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви соҳасидаги  
ҳамкорлик тўғрисида**

**КЕЛИШУВ**

Ушбу Келишув Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 7 январдаги “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги 1-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида тузилди.

**1-модда**

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси юқорида кўрсатилган қарорга асосан ахборот тизимлари комплексидан фойдаланган ҳолда нотариал идоралари томонидан амалга оширилган кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тўғрисида маълумотларни, Адлия вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий – техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаменти (кейинги ўринларда – Суд департаменти деб юритилади) томонидан кўчмас мулкни ўзгага ўтказишга тақиқлар ва унга нисбатан қўйилган хатга олишлар бўйича қабул қилинган қарорлар, суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини мажбурий ижро этишда давлат рўйхатидан ўтказилган кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар тўғрисидаги маълумотлар ҳамда “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг эгалигидаги кўчмас мулк объектлари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни талаб даражасида бажарилишини таъминлайди.

**2-модда**

**1) Давлат нотариал идоралари:**

амалга оширилган кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тўғрисида, битим расмийлаштирилгандан сўнг икки кун мобайнида “Ергеодезкадастр” давлат кўмитасининг ҳудудий органларига маълумотларни 1-иловага мувофиқ тақдим этади;

қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳолларда, шунингдек банклар (бошқа кредит ташкилотлари), тегишли ташкилотлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисми ва бошқа кўчмас мулк сотиб олиш ёки қайта таъмирлаш ва бошқа мақсадларда берилган қарзларнинг қайтарилишини таъминлаш учун кўчмас мулк гаровга қўйилган бўлса, гаров (ипотека) шартномаларини тасдиқлаш вақтида мазкур кўчмас мулк жойлашган ҳудуддаги нотариус кўчмас мулкка нисбатан қўйилган тақиқ ҳақида «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси ҳудудий бўлинмасига маълумотларни 2-иловага мувофиқ юборади.

**2) Суд департаменти органлари;**

кўчмас мулкни ўзгага ўтказишга тақиқлар ва унга нисбатан қўйилган хатга олишлар бўйича тегишли қарор қабул қилингандан сўнг икки кун мобайнида “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий органларига ахборот тизими комплексдан фойдаланган ҳолда 4-иловага мувофиқ кўчмас мулкка ҳуқуқларни тақиқлаш бўйича электрон кўрсатма тақдим этиб боради.

3) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва ҳудудий бўлинмалари:

давлат нотариал идораларининг сўров хатига асосан “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг эгалигидаги кўчмас мулк объектлари тўғрисида маълумотларни 3-иловада келтирилган жадвал бўйича тақдим қилади.

Суд департаменти органларини электрон сўровномаларига асосан жисмоний ҳамда юридик шахсларнинг эгалигидаги кўчмас мулк объектлари тўғрисида маълумотлар электрон равишда 4-иловага мувофиқ тақдим этилади.

“Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий органларига давлат нотариал идоралари томонидан тақдим этилган маълумотларни давлат реестрига киритиб боради.

### 3 модда

Давлат нотариал идоралари ва “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси ҳудудий органлари ушбу Келишув талабларига мувофиқ ахборот тизимлари комплексдан фойдаланган ҳолда тақдим этилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва ўз вақтида берилишини таъминлайди.

Суд департаменти органлари ва “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ахборотлар алмашинувини департамент ва давлат қўмитаси марказий аппаратлари ўртасида ташкиллаштирилган, ҳимояланган VPN канали орқали амалга оширади.

Бунда электрон равишда ахборот тизими комплекси орқали узатиладиган сўровномалар, суд ижрочиларининг кўчмас мулкка қўйган таъқиқлари ҳақидаги талабномалар ва уларга “Ергеодезкадастр” давлат қўмитаси маълумотлар базасидан олинadиган жавоблар макетларига бўлган талаблар ҳамда маълумотлар узатилишининг кетма-кетлиги махсус Технологик йўриқнома билан тартибга солинади.

Қарздорнинг номида кўчмас мулк аниқланган ҳолларда, Суд департаменти органлари “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий органларига кўчмас мулкка ҳуқуқларни чегаралаш бўйича кўрсатма билан мурожаат қилади. Суд департаментининг масъул ходими томонидан кўчмас мулкка қўйилган таъқиқ бекор бўлмагунча ушбу кўчмас мулкни тасарруф қилиш ман этилади.

Суд департаменти органларининг дастлабки берилган сўров хатига жавобан, “Ергеодезкадастр” давлат қўмитасининг ҳудудий органлари ахборот тизими комплексдан фойдаланган ҳолда маълумотларни сўров олинган кундан икки кундан кечикмасдан тақдим қилади.

“Ергеодезкадастр” давлат кўмитасининг ҳудудий органлари, Суд департаменти органлари ҳамда давлат нотариал идораларидан ўзаро алмашинув орқали олинган маълумотлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга ходимлари улардан белгиланган тартибда фойдаланади ва маълумотларни ошкор этилмаслик кафолатларини таъминлайди.

#### 4 модда

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра ушбу келишув матнига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

#### 5-модда

“Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси давлат нотариал идоралари томонидан тақдим этиладиган нотариал ҳужжатлар ва улар ҳақидаги маълумотлар “Нотариат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ махфий ҳужжат ҳисобланиши сабабли уни бошқа шахсларга ошкор этмаслик, уларга зарар етказмаслик, ўзгартириш ва қўшимчалар киритмаслик чораларини кўриши лозим.

Ушбу Келишув талабларини ҳамда нотариал ҳаракатларнинг махфийлигини бузишда айбдор бўлган шахслар қонунда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

#### 6-модда.

Ушбу Келишувни қўллаш жараёнида пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### 7-модда

Ушбу келишув тарафлар томонидан имзоланган санадан бошлаб кучга киради.

Мазкур келишув 3 (уч) нусхада тузилди ва ҳар уччала нусхаси ҳам бир хил кучга эга.

Келишувнинг Давлат нотариал идоралари томонидан маълумотларни “Ергеодезкадастр” давлат кўмитасининг ҳудудий органларига тақдим этиш қисми “Нотариусларнинг автоматлаштирилган маълумотлар базаси” жорий этилган кундан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси

Адлия вазири,



Н.Т.Иўлдошев

“ 28 ” 02 2014 йил



Ўзбекистон Республикаси

“Ергеодезкадастр” давлат

кўмитаси раиси

 С.А.Арабов

“ 28 ” 02 2014 йил







